

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**«ШАHRISABZ VINO-AROQ» АЖ**  
**акциядорлари умумий йиғилиши томонидан**  
**2016 йил «17» июнда**

**«ШАHRISABZ VINO-AROQ»**  
**Акциядорлик жамиятининг**  
**КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

**Шахрисабз 2016**

## УМУМИЙ ҚИСМ

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, бошқа меъёрий-норматив ҳужжатлар, **SHAHNISABZ VINO-AROQ** акциядорлик жамиятининг (бундан кейин матнда - жамият) Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31.12. даги № 9-сонли баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган, жамият кузатув кенгашининг мақомини белгилаб, иши регламентини, унинг аъзоларини сайлаш, ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлайди.

2. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ҳал қилиниши қонунчилик ва жамият низоми томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши салоҳиятига мансуб деб билинган масалалар бундан мустасно.

3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бири учун конкрет тарзда амалга оширилади.

### I. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

4. Кузатув кенгаши ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, жамият ривожланиши стратегиясини амалга ошириш бўйича қўлланилган чора-тадбирлар ҳақида жамият ижро органининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш;

жамиятнинг йиллик ва навбатдан ташқари акционерларнинг умумий йиғилишини чақириш, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 65 моддаси ўн биринчи қисмидаги ҳолатлар бундан мустасно;

акционерлар умумий йиғилишининг кун тартиби, ўтказиш санаси, вақти ва жойини белгилаш;

акционерлар умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида акционерларга хабар бериш ва унда акционерлар қатнашиши учун акционерлар умумий йиғилишининг рўйхатини тузиш санасини аниқлаш;

акционерлар умумий йиғилишининг диққатига Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59 моддаси биринчи қисми иккинчи хат бошисида келтирилган масаласини ҳавола қилиш;

мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкиллаштириш;

жамият бошқаруви аъзоларини (унинг раисидан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

ижро органи раҳбари ва унинг аъзолари лавозимларига танлов эълон қилиш, раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш регламентини тасдиқлаш, саралашнинг объектив мезонларини аниқлаб, унинг натижалари бўйича ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, замонавий фикрлайдиган, юқори малакали мутахассислар, ҳамда хорижий менежерларни ёллаш;

жамиятнинг ижро органига тўланадиган мукофотлар ва (ёки) бадаллар, шунингдек бу тўловларнинг охирги ҳажмини белгилаш, бу тўловларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28.07. даги 207-сонли «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти

самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ равишда самарадорликнинг асосий кўрсаткичларига боғлаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолиятини белгиловчи тартибни белгилаш;

жамиятнинг бизнес-режасини тасдиқлаш. Жамиятнинг кейинги йил учун тузилган бизнес-режаси жамиятнинг кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 октябридан кечиктирмай тасдиқланиши керак.

ички аудит хизматини тузиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ҳамда унинг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш;

жамиятнинг ижро органи фаолиятига тегишли бўлган хоҳлаган ҳужжатни кўриш ҳуқуқига эга бўлиш ва уларни ижро органидан жамият кузатув кенгашига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун олиш. Жамиятнинг кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

аудиторлик тафтиш, шу жумладан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда тузилган жамиятнинг молиявий ҳисоботини ташқи аудитдан ўтказиш;

аудиторлик ташкилоти ва унинг хизмати ҳаққининг охириги қийматини аниқлаш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофотлар ва бадаллар ҳажми бўйича маслаҳатлар бериш;

дивидендлар ҳажми, уларни тўлашнинг шакли ва тартиби бўйича маслаҳатлар бериш;

жамиятнинг захира ҳамда бошқа турдаги фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини тузиш ҳамда ваколатхоналарини очиш;

шубҳа ҳамда тобе хўжалик жамиятларини тузиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида тузилади);

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 8 моддасига мувофиқ ушбу битимни тузиш санасида жамият томонидан предмети мулк, баланс қиймати ёки харид қилиш қиймати жамиятнинг соф активлари ҳажмининг ўн бешдан эллик фоизгачани ташкил этадиган катта битимни тузиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 9 моддасига мувофиқ жамиятнинг афилланган шахси билан битим тузиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш;

қонунчилик билан белгиланган тартибда жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларда қатнашиши билан боғлиқ бўлган битимларни тузиш;

жамият томонидан корпоратив, шу жумладан акцияларга конверсия бўладиган облигацияларни чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамият устав жамғармасини (устав капиталини) кўпайтириш, ҳамда жамиятнинг устав жамғармасини (устав капиталини) кўпайтирилиши ва жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонининг камайиши билан боғлиқ бўлган жамиятнинг низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари бўйича қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини чиқариш ҳақидаги қарорни тасдиқлаш;

қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоладини чиқариш ҳақидаги қарорга ўзгартиш ва (ё) қўшимчалар киритиш ҳамда рисола матнини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 34 моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа ва ташкиллаштирилган биржадан ташқари бозорига чиқариш) қийматини аниқлаш;

ахборот сиёсати ҳақидаги низомни тасдиқлаш;

қарор қабул қилинган санаси ҳолатига ҳажми жамиятнинг соф активларининг бир фоизидан ошувчи хайрия (ҳомийлик) ёки беминнат ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун танлов асосида холис ташкилотни жалб этиш;

5. Жамиятнинг кузатув кенгаши Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини амалга татбиқ этиш учун амалга оширади:

жамиятда тузилган ижро органи, жамиятнинг ички назорати органлари, коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва зарурат туғилганда жамиятни ривожлантириш режаларини тузишни ташкиллаштириш ва унда белгиланган мақсадларга етишиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

АЖнинг ташкилий тузулмаси қонунчилик талабларига мослиги борасида баҳолаб бориш ишланма ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва мунтазамлигини таъминлаш, ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот юритиш стандартларига мос равишда ҳар йиллик молиявий ҳисоботларни нашр этишга ўтишни таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларининг татбиқ этишлиги устидан назоратни амалга ошириш.

6. Кузатув кенгаши ваколатлари доирасига қонунчилик ва жамият низомига мос ҳолда бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

7. Жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатлари доирасига киритилган масалалар бўйича жамиятнинг ижро органи қарор қабул қилиши мумкин эмас.

## **II. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ САЙЛАНИШИ, ТАЙИНЛАНИШИ ВА МУДДАТИДАН ОЛДИН ВАКОЛАТЛАРИНИНГ ТУГАТИЛИШИ**

8. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан қонун ва жамият низомига мос ҳолда бир йил муддатга сайланади.

9. Жамият кузатув кенгашининг миқдорий таркиби жамият низоми билан белгиланади. Бу ерда жамият кузатув кенгаши таркибига бир нафардан кам бўлмаган мустақил аъзони (аммо унинг низоми билан белгиланган кузатув кенгаши аъзоларининг 15% дан кам бўлмаган) киритади. Агар жамиятнинг мустақил аъзоси киритилмаса, жамият Кодекснинг бу тавсияси риоя этилмаганлиги сабаблари ҳақида маълумот нашр қилинади.

10. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига нисбатан қўйиладиган мезонлар Корпоратив бошқарув кодексида белгилаб берилган.

11. Жамият кузатув кенгаши аъзолигига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.

12. Жамиятнинг ижро органи раҳбари ва унинг аъзолари жамият кузатув кенгашига сайлана олмайдилар.

13. Худди шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган шахслар жамият кузатув кенгашига аъзо бўла олмайдилар.

14. Кузатув кенгашининг сайланган аъзоси ваколатларини муддатидан олдин тугатиш акциядор ўзгарган ҳолда, кузатув кенгаши аъзоси томонидан ўз мажбуриятларини бузганлиги, кузатув кенгашининг тегишли аризаси мавжуд бўлгани ва бошқа асосларга биноан акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

15. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланаётган шахслар корпоратив бошқарувчи (давлат ҳиссаси мавжуд бўлган жамиятлар учун) шаҳодатномаси ёки Корпоратив бошқарув бўйича илмий – таълим маркази сертификатига эга бўлишлари зарур.

16. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайловлари кўпайтириш (кумулятив) овоз бериш йўли билан ўтади.

17. Кўпайтириш орқали овоз берганда ҳар бир акциядорга мансуб бўлган овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади. Акциядор бу тарзда йиққан овозларини тўлиқ битта номзодга бериши ёки уларни иккита ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаши мумкин.

18. Кузатув кенгаши таркибига энг кўп овоз олган номзодлар сайланган бўлиб ҳисобланади.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

19. Жамият кузатув кенгаши раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан кузатув кенгаши аъзоларини умумий сонидан кўпчилик овози билан сайланади.

20. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларини умумий сонидан кўпчилик овози билан қайтадан сайлаши мумкин.

21. Жамият кузатув кенгаши раиси унинг ишини ташкиллаштиради, кузатув кенгаши йиғилишларини чақиради ва уларга раислик қилади, мажлисларда баёнлаштиришни йўлга қўяди, акциядорлар умумий йиғилишига раислик қилади.

22. Кузатув кенгаши раиси ҳозир бўлмаганда унинг функцияларини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири бажаради.

### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШИ**

23. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши кузатув кенгаши раиси томонидан унинг ташаббуси асосида, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижро органи аъзоси ва биргаликда жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг бир фоиздан кам бўлмаган миқдорига эга бўлган акциядорлар (акциядор) талабига биноан чақирилади.

24. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши кузатув кенгаши раиси томонидан камида ҳар чоракда бир марта чақирилади. Йиғилишда мажбурий тарзда қўриладиган масалалар:

ижро органининг жамиятни йиллик бизнес – режаси бажарилиши жараёни, жамиятни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, қилинган ишлар ва жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг тасдиқланган бизнес – режаларида белгиланган кўрсаткичларига етишишлари, ҳамда жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари ҳақида ҳисоботи;

ички аудит хизмати ҳисоботи;

тафтиш комиссиясининг аффиланган шахслар билан битим тузилиши ёки жамиятда тузилган йирик битимлар ҳамда ушбу битимларни тузишда қонунчилик талаблари ва ички ҳужжатларга риоя қилиниши ҳақидаги хулосаси.

25. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгаши сайланган аъзоларининг умумий сонидан етмиш беш фоиздан кам бўлмагани ҳолатида мавжуд бўлади.

26. Агар жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият низомида кўрсатилган сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлса, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши керак. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари ушбу акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли, ҳамда кузатув кенгаши раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилганда вақтинча унинг вазифаларини бажарувчини тайинлашлари мумкин.

27. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилишларида қарорлар қатнашчилар овозларининг кўпчилиги билан қабул қилинади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунида ва жамият низомида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустаснодир. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилишларида масалалар бўйича қарор қабул қилинганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кузатув кенгашининг раиси овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни ошириш бўйича ва низомга тегишли ўзгартишлар киритиш бўйича қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

28. Жамият кузатув кенгаши аъзоси томонидан ўз овозини жамият кузатув кенгашининг бошқа аъзоси ёки учинчи шахсга шахсга ўтказиши мумкин эмас.

29. Жамият кузатув кенгаши йиғилиши баёнлаштирилади. Жамият кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси уни ўтганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

30. Йиғилиш баённомасида ушбулар кўрсатилади:

- уни ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- йиғилишда қатнашган шахслар;
- йиғилишнинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари;
- қабул қилинган қарорлар.

31. Жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши баённомаси йиғилишда қатнашган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар баённома тўғрилигига жавобгар ҳисобланадилар.

32. Жамият кузатув кенгаши йиғилишининг баённомаси уни имзоланган куни ижро учун жамият Бошқаруви раисига топширилади. Жамият кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш борасида қарор қабул қилинганда ушбу қарор ҳақидаги маълумот кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилган куни жамиятнинг Бошқарув раисига берилади.

33. Кузатув кенгашининг йиғилиши сўров йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин, тафтиш комиссияси, ички аудит ва ижро органи ҳисоботлари эшитиладиган йиғилишлар бундан мустаснодир. Бу аснода жамият кузатув кенгашининг қарорлари кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овозда сиртдан овоз бериш (сўров шаклида) йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Техник воситалар, кузатув кенгаши аъзоларини идентификациялаш воситалари ва бошқ. жиҳозлар мавжуд бўлган ҳолда кузатув кенгашининг йиғилишлари видео-конференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

## **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

34. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагиларга ҳақли:

- кузатув кенгаши йиғилишида шахсан қатнашиш, регламент бўйича белгиланган вақт доирасида муҳокама қилинаётган масала бўйича сўзга чиқиш;
- кузатув кенгаши қарори асосида жамиятнинг муайян муддат давомидаги фаолияти, уни ривожланиш режалари ҳақида маълумот олиш;
- қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган тартибда кузатув кенгашида ишлагани учун мукофот ва (ёки) харажатлари учун бадаллар олиш;
- қонунчилик ва жамиятнинг низоми томонидан кўзда тутилган бошқа ҳуқуқлар;
- кузатув кенгаши қошида тегишли масалалар бўйича кузатув кенгаши аъзолари, ижро органи, АЖ ходимлари ва жалб этилган экспертлар (мос малакага эга мутахассислар, ихтисослашган олий ўқув юртлари ўқитувчилари таркиби ва бошқ.) ҳисобидан қўмиталар (ишчи гуруҳлар) тузиш, шу жумладан низоли вазиятлар, аудит, кадрлар ва бошқ. қўмиталар;

35. Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари:

- тахмин қилинаётган битим, ушбу шартноманинг жиддий шартлари ҳақида муфассал маълумотларни кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома орқали жамиятни ўзининг афиллангани борасида жамиятни хабардор этиш;
- ўзининг хизмат вазифаларини сидқидилдан, ҳамда жамият манфаатлари йўлида энг тўғри деб топилган равишда ижро этиш;
- қонунчилик ва жамият низоми билан белгиланган бошқа вазифа ва мажбуриятлар.

36. Кузатув кенгашининг аъзолари жамият имкониятларини (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолият соҳасидаги имкониятлар, жамият фаолияти ва режалари ҳақидаги маълумотлар) шахсий бойиш учун ишлатишга ҳақлари йўқ.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

37. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқлари амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш чоғида жамият манфаатини кўзлаб амал қилишлари зарур ва қонунчилик ва жамият низомига мувофиқ жамият олдида жавобгардирлар.

38. Агар жавобгарлик бир неча кишига юклатилган бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги умумийдир.

39. Жамиятга зарар етказадиган қарор бўйича қарши овоз берган ёки овоз беришда қатнашмаган кузатув кенгаши аъзолари жавобгар эмаслар, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 90 моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустаснодир.

40. Жамият ва биргаликда жамиятни жойлаштирилган акцияларининг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорга эга бўлган акциядор кузатув кенгаши аъзоси устидан судга шикоят қилиб, жамиятга етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

## **VII. ХУЛОСА ҚИСМИ**

42. Кузатув кенгаши аъзоларини зарурий материаллар билан таъминлаш, ҳамда акциядорлар ва инвестицияловчилар билан алоқа қилишга масъул - корпоратив маслаҳатчидир.

Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши котиб и жамиятнинг кузатув кенгашининг котиби ҳисобланади ва унга қуйидаги вазифалар юкланади;

- Кузатов кенгаши аъзоларига кузатов кенгаши мажлисини ўтказиш  
- Жамият Кузатов кенгашининг барча аъзолари, ижроия органи раҳбари ва аъзолари, тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари ва ташқи аудитрини акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилади;

- Кузатов кенгаши баённомаси юритилишини ташкиллаштиради;

- Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни лозим даражада хабардор қилишни назорат қилиш ва Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш давомида акциядорларга тақдим этиладиган ҳужжатлар билан танишишга рухсат олишни таъминлайди;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган масалалар юзасидан қарорлар лойиҳасини ишлаб чиқиш.

43. Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгардирлар.

44. Агар ушбу Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига хилоф бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу моддаларда берилган ҳолатлар бўйича ушбу Низомга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига асосан амал қилиниши зарур.